

РЎЙХАТГА ОЛИНГАН
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
2025 йил 22 июль

Рўйхатга олиш рақами 81/3

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раисининг
биринчи ўринбосари
Н.Н. Сайдуллаев

**«ОРИЕНТ ФИНАНС»
ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
У С Т А В И Г А
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

"ТАСДИҚЛАНГАН"
Акциядорлар умумий йиғилишининг
2025 йил 19 июндаги
1/2025-сонли баённома-қарори

Кузатув кенгаши Раиси
Б.Б. Парпиев

ТАШКЕНТ-2025 йил

**Акциядорлар умумий йиғилишининг 2023 йил 12 июндаги 1/2023-сонли
баённома-қарори билан тасдиқланган ва Марказий банкда 2023 йил 14 июлда
81-сон билан рўйхатга олинган «Ориент Финанс» хусусий акциядорлик
тижорат банкининг (янги таҳрирдаги) Уставига
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Банк Уставининг 6.6 - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6.6. Устав капиталини кўпайтириш мақсадида, Банк томонидан қўшимча жойлаштирилиши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар миқдори номинал қиймати 1 250 (бир минг икки юз эллик) сўм бўлган, умумий қиймати 3 000 000 000 000 (уч трилион) сўмлик, умумий сони 2 400 000 000 (икки миллиард тўрт юз миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

2. Банк Уставининг 9.1 - банди биринчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги кичик банд (хатбоши) билан тўлдирилсин:

“- акциядорлар ўртасида уларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида белгиланган тартибда корпоратив шартнома тузиш.”

3. Банк Уставининг 10.8 - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10.8. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендларни тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Банк Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Дивидендлар миқдори Банк Кузатув кенгашининг тавсия этган миқдоридан кўп бўлиши мумкин эмас.

Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар, уларни тўлаш муддати ва тартиби белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кейинги кундан эътиборан 60 (олтмиш) кундан кеч бўлмаслиги керак.

Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинганлиги ва бошқа муҳим ахборот ҳақидаги хабар ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан 15 кун ичида жўнатилганлиги ва қабул қилинганлигини қайд қилган ҳолда, акциядорлар эътиборига мобиль телефонга қисқа хабарлар (SMS-хабарлар) ва (ёки) электрон почта (акциядорлар реестрида мобиль телефон рақами ва электрон почта манзили мавжуд бўлганда) орқали етказилади.”

4. Банк Уставининг 13.2 - банди қуйидаги мазмунда баён этилсин:

“13.2. Банк Акциядорларининг йиллик ҳисобот умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин 6 (олти) ой ичида 30 (ўттиз) июнга қадар ўтказилади.”

5. Банк Уставининг 14.3-банди 26-хатбошиси қуйидаги мазмунда баён этилсин:

“26) Кузатув кенгаши қошида Кузатув кенгаши, ижроия органи аъзолари, Банк ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича ишчи гуруҳлари ташкил этиш;”

6. Банк Уставининг 14.14 - банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14.14 Амалдаги қонунчилик, Акциядорлар умумий йиғилиши қарори ва унинг томонидан тасдиқланган ички қоидаларга биноан Банк Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда ҳақ тўланиши ва Кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин.

Кузатув кенгашининг аъзоларига тўланадиган ҳақ ва тўловлар миқдори белгиланишида Банк фаолиятининг молиявий натижалари, самарадорлиги ва рентабеллиги ҳамда пруденциал нормативлар бажарилиши ва таваккалчиликларни самарали бошқариш, шунингдек корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши натижалари инобатга олинади.”

7. Банк Уставининг 15.11 - банди 1)-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1) Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашида муҳокама этиладиган барча масалаларни Бошқарув мажлиси (Бошқарув Раиси бошчилигидаги бошқа коллегиял органлар мажлислари)да олдиндан кўриб чиқади, улар юзасидан тегишли ҳужжатлар ҳамда қарор лойиҳаларини тайёрлайди ва тақдим этади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади.”

8. Банк Уставининг 17-бўлими (Банк филиаллари ва ваколатхоналари, уларни ташкил этиш тартиби) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“17. БАНКНИНГ АЛОҲИДА БЎЛИНМАЛАРИ, УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

17.1. Банк амалдаги қонунчилик ва ички қоидаларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар, Банк хизматлари марказлари, Банк хизматлари офислари, ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмаларини ташкил этиши ҳамда уларга қонунчиликда, Банк Устави ва бошқа ички қоидаларида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

Банкнинг алоҳида бўлинмалари Банк томонидан мулк билан таъминланади ва Банк ўзининг алоҳида бўлинмалари фаолияти учун жавобгар бўлади.

17.2. Банк филиали – бу мустақил юридик шахс бўлиб ҳисобланмайдиган Банк номидан банк операцияларининг барчасини ёки бир қисмини амалга оширувчи Банкнинг бўлинмасидир.

Банк филиаллари Марказий банкни ёзма хабардор қилган ҳолда Кузатув кенгаши қарорига биноан белгиланган тартибда очилади ва тугатилади.

Филиаллар ўз фаолиятини Кузатув кенгаши тасдиқлаган филиал тўғрисидаги низом асосида юритади ва улар Банк номидан банк операцияларининг ҳаммасини ёки бир қисмини Банк бўйича белгиланган иқтисодий меъёрлар ва Банк берган ваколатлари доирасида Марказий банк томонидан Банкка берилган лицензия асосида амалга оширади.

Филиаллар ўз фаолиятини ҳўжалик ҳисоби тамойиллари асосида ташкил этадилар. Филиал раҳбарлари ва бош бухгалтерлари Банк Бошқаруви Раиси томонидан тайинланади. Филиал раҳбарлари Банк Бошқаруви Раиси берган ишончнома асосида иш юритади. Бошқарув Раиси Банк номидан филиаллар раҳбарлари ва бош бухгалтерлари билан меҳнат шартномасини имзолайди.

Банкнинг филиаллари Банкнинг номи ва эмблема (логотипи) ҳамда ўзининг номи ёзилган юмалоқ муҳри, штамп ва бланкаларига, балансига эга бўлади.

17.3. Мижозларга тезкор хизмат кўрсатишни ташкил этиш, уларга қўшимча қулайликлар яратиш ва уларнинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, Банкнинг даромадлилиги янада ошириш мақсадида, Банк Ўзбекистон

Республикаси ҳудудида мустақил юридик шахс бўлиб ҳисобланмайдиган Банк хизматлари марказлари ва Банк хизматлари офисларини ташкил этиши мумкин.

17.3.1. Банкнинг Банк хизматлари маркази - Банк биносидан ташқарисида жойлашган Банкнинг алоҳида бўлинмаси ҳисобланиб, Банк билан ягона бўлган Банк баланси ва кодига эга бўлади.

Банк хизматлари марказлари Марказий банкни ёзма хабардор қилган ҳолда Кузатув кенгаши қарорига биноан белгиланган тартибда очилади ва тугатилади.

Банк хизматлари марказлари Банк Бошқаруви қарори билан тасдиқланган низом асосида фаолият юритади ва улар Банк номидан банк операцияларининг ҳаммасини ёки бир қисмини Банк бўйича белгиланган иқтисодий меъёрлар ва Банк берган ваколатлари доирасида Марказий банк томонидан Банкка берилган лицензия асосида амалга оширади.

17.3.2. Банкнинг Банк хизматлари офиси - Банк биносидан ташқарисида жойлашган Банкнинг алоҳида бўлинмаси ҳисобланиб, пул омбори билан ёки пул омборисиз (қимматликларни сақлаш бўйича шартнома тузган ҳолда) ташкил этилиши мумкин.

Банк хизматлари офислари Марказий банкни ёзма хабардор қилган ҳолда Бошқарувнинг қарорига биноан белгиланган тартибда очилади ва тугатилади.

Банк хизматлари офислар Банк Бошқаруви қарори билан тасдиқлаган низом асосида фаолият юритади ва улар Банк ички қоидаларида белгиланган доирада Банк номидан банк операцияларининг ҳаммасини ёки бир қисмини амалга оширади.

17.4. Банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи, банк фаолиятини амалга оширмайдиган ўзи турган ердан ташқарида жойлашган алоҳида бўлинмаси бўлган ўз ваколатхоналарини очиши мумкин. Ваколатхона Кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ ташкил этилади ва тугатилади. Банк ваколатхонаси мустақил юридик шахс ҳисобланмайди ва улар Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган ваколатхона тўғрисидаги низом асосида иш юритади.

17.5. Банк Ўзбекистон Республикасидан ташқарида Марказий банкнинг рухсатномаси билан шуъба банклари очиши, филиаллари ва ваколатхоналарини ташкил этиши, банкларнинг капиталида иштирок этиши, шу жумладан чет эл банкларини ташкил этишда иштирок этиши мумкин.

17.6. Банк фаолиятини мувофиқлаштириш, ўзининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва биргаликдаги дастурларни амалга ошириш учун иттифоқлар, уюшмалар ва бошқа бирлашмалар тузишда иштирок этиши мумкин.”

Бошқарув Раиси

/имзо/

Т.Ф. Джунайдуллаев